

“KAFIL-SUG`URTA”
акциядорлик жамиятининг
2026 йил учун
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент -2025

МУНДАРИЖА

I. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	3
1.1 Жамият тўғрисида умумий маълумотлар.....	3
1.2 Суғурта турлари ва ҳудудлар кесимида суғурта мукофотларининг таҳлили.....	5
1.3 . Суғурта даъволари портфелининг ҳолати.....	7
1.4 Жамиятнинг инвестиция сиёсати таҳлили.	8
1.5. Ходимлар билан ишлаш сиёсати.....	9
2. ЖАМИЯТНИНГ 2026 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИЗНЕС РЕЖАСИ	10
2.1. 2026 йилда Жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	10
2.2 Суғурта маҳсулотларини сотиш йўллари ва маркетинг сиёсатини такомиллаштириш режаси	11
2.3 Суғурта хизматларини ривожлантириш режаси.....	11
2.4 Суғурта даъволарини кўриб чиқиш, превентив чоралар ва суброгация йўналишларини ривожлантириш режаси	15
2.5 Жамиятда суғурта фаолиятини автоматлаштириш ва Ахборот технологияларини кенг жорий этиш режаси.....	16
2.6 “Малака ошириш” маркази томонидан 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор йўналишлар.	18
2.7 Жамиятда кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш режаси	19
2.8. Жамият инвестицион сиёсатини такомиллаштириш режаси	21

I. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1.1 Жамият тўғрисида умумий маълумотлар

1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи:

"KAFIL-SUG'URTA" акциядорлик жамияти (матнда кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади);

"KAFIL-SUG'URTA" АЖ

2. Жамиятнинг юридик ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилган саналар:

"KAFIL-SUG'URTA" масъулияти чекланган жамияти аввал масъулияти чекланган жамият ташкилий-хуқуқий шаклида таъсис этиш йўли билан тузилганлиги 2004 йил 2 июнда 13-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган, кейинчалик таъсис хужжатларига ўзгартишлар киритилганлиги муносабати билан 2005 йил 1 июнда 08-3976/5-рақам, 2006 йил 13 октябрда 08-7331/6-рақам, 2007 йил 6 мартда 08-183/4-рақам, 2007 йил 27 сентябрда 08-969/4-рақам, 2007 йил 24 декабрда 08-1374/4-рақам, 2008 йил 27 июнда 08-698/4-рақам, 2008 йил 29 декабрда 08-1339/4-рақам, 2009 йил 24 сентябрда 8-1037/4- рақам, 2012 йил 1 июнда 8-485/4- рақам, 2013 йил 25 февралда 8-127/4- рақам, 2014 йил 30 майда 8-5-356/4- рақам, 2017 йил 10 мартда 011741-044- рақам, 2022 йил 19 январда 4688922- рақам ва 2022 йил 11 февралда 1471- рақам билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган, шунингдек Жамият акциядорлик жамияти тарзида 2022 йил 15 февралда 1471-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

3. Жамиятнинг юридик манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй, почта индекси: 100000.

4. Жамиятнинг электрон почта манзили: info(@kafil.uz.

5. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.kafil.uz.

6. Суғурта фаолиятини амалга ошириш лицензияси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2022 йил 24 февралда берилган SF 00038-сонли лицензия

7. Молиявий барқарорлик рейтинг: uzA++ (Ahbor-Reyting)
B2 (Moody's Investors Service)

8. Ҳудудий филиаллар сони: 85

9. Устав капитали ҳажми: 80.701.000.000,0 (олтмиш миллиард етти юз бир миллион) сўм

10. Жамият бошқаруви:

Юқори бошқарув органи - Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

- Кузатув кенгаш раиси

Ижро органи раҳбари – Бошқарув раиси

11. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари:


Ҳамидов Ахмат Миркамилович – “O`ztransanoat” Республика Уюшмаси
Бошқарув Раиси;

Ганиев Саидакмал Саидкаримович – Ўзбекистон Республикаси Халқаро
Автомобилда Ташувчилар уюшмаси Раиси ўринбосари;

Исаков Уткур Тохирович - “Kichik Sanoat Markazi” МЧЖ директори;


1.2 Суғурта турлари ва ҳудудлар кесимида суғурта мукофотларининг таҳлили

Жамият томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 2024 йилда 289,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 322,4 млрд.сўмни ташкил этди ҳамда ўтган йилга нисбатан 11,5% ўсиш суръати қайд этилди. (1-расм).



1-расм. 2021-2025 йиллар давомида Жамиятда йиғилган суғурта мукофоти миқдори, млрд.сўмда.

2025 йилда йиғилган суғурта мукофотининг 94,6% ихтиёрий суғурта шаклларидан, 5,4 % мажбурий суғурта шаклларидан йиғилди.




2-расм. 2022-2025 йиллар давомида суғурта шакллари кесимида йиғилган суғурта мукофоти миқдори, млрд.сўмда.

Жамият томонидан 2025 йилда 250 795 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизмати кўрсатилди. Хусусан, тузилган суғурта шартномаларида юридик шахсларнинг улуши 45,0% ва жисмоний шахсларнинг улуши 55,0% ни ташкил этди (3-расм).




3-расм. 2025 йилда тузилган суғурта шартномаларида юридик ва жисмоний шахсларнинг улуши, фоизда.

Суғурта шартномалари тузиш бўйича олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида ҳудудлар кесимида суғурта портфели 2024 йилга нисбатан диверсификация қилинди. Хусусан, умумий йиғилган суғурта мукофотида Бухоро, Навоий ва Фарғона вилояти ҳудудидаги филиалларнинг улуши кўпайди.



4-расм. 2025 йилда йиғилган суғурта мукофотида ҳудудларнинг улуши, фоизда.


Суғурта портфели таркибида чакана йўналишидаги ва банкга боғлиқ бўлмаган суғурта турлари улуши сезиларли даражада ошди. Ўтган бир йил давомида бу суғурта турлари бўйича 28,1 млрд. сўм суғурта мукофоти йиғилди ва бу умумий тушумнинг 8,83% ни ташкил этди.



5-расм. Суғурта портфели структураси йиғилган мукофотдаги улушига кўра, фоизда.


1.3 Суғурта даъволари портфелининг ҳолати

Жамиятга 2025 йилда 8740 та даъво аризалари кўриб чиқилди ва кўриб чиқилган даъво ҳужжатларининг 8491 таси ҳисобот даври давомида тўлиқ қаноатлантирилган. 225 та даъво аризаси (умумий даъво аризаларининг 2,5%) суғурта шартномасида кўрсатилмаган қалтислик натижасида кўрилган зарарлар, суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилмаслик, рўй берган воқеа суғурта шартномасида кўрсатилган истиснолар сирасига кирганлиги сабабли рад этилган.



6-расм. 2020-2025 йилларда Жамиятга келиб тушган суғурта даъво аризалари бўйича маълумот.

2025 йилда Жамият томонидан 72,1 млрд.сўмлик суғурта қопламалари аҳоли ва тадбиркорларга тўлаб берилди. Бу ўтган йилга нисбатан 6,8% га кам (7-расм).



7-расм. 2020-2025 йиллар давомида Жамият тўлаб берган суғурта даъволари, млрд.сўмда

Тўланган суғурта қопламаларининг асосий қисми, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, кредит қайтмаслик хавфидан суғурталаш, аҳолининг турар жой иморатлари ва уй рўзғор буюмларини комплекс суғурта қилиш, гаровга қўйилган мулк ва транспорт воситаларини суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталан ва ер усти транспорт воситаларини комплекс суғурталаш каби суғурта турлари ҳиссасига тўғри келади.

2025 йилда келиб тушган даъво аризаларининг ҳолати ҳудудлар кесимида нотекис жойлашган бўлиб, Тошкент шаҳрининг ўзидан келиб тушган даъво аризалари улуши 95,1 фоизни ташкил этади. Тошкент вилояти 2,1 фоиз, Бухоро вилояти 0,39 фоиз, Сурхондарё вилояти 0,45 фоиз ва қолган вилоятлардан келиб тушган аризалар 1,9 фоиз улушга эга.

1.4 Жамиятнинг инвестиция сиёсати таҳлили.

Жамият томонидан олиб борилган фаол инвестициявий сиёсат инвестиция ҳажмининг кескин ўсишига сабаб бўлди. 2024 йилда Жамиятнинг узоқ ва қисқа муддатли инвестицияга йўналтирган маблағлари 142,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 152,6 млрд.сўмни ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан 7 фоиз ўсиш қайд этилди. Жамиятнинг иқтисодийга йўналтирилган инвестицияларининг 83,8 фоизини Республика тижорат банкларига жойлаштирилган депозитлар, 8,8 фоизини Жамиятнинг ташкилотлар устав фондидаги иштироки ва қолган қисмини бошқа инвестициялар ташкил қилади.

2025 йилда Жамият инвестиция портфелини соғломлаштириш бўйича куйидагилар амалга оширилди:

1. Компания устав фондининг капиталлашуви доирасида молиявий барқарорликни таъминлаш ва инвестициявий салоҳиятни ошириш мақсадида устав капитали 60,7 млрд. сўмдан 20,0 млрд. сўмга оширилди. Натижада, компаниянинг умумий устав фонди 80,7 млрд. сўмга етказилиб, молиявий имкониятлари кенгайди.

2. Жамият томонидан Қорақалпоғистон Республикасида 1 та турар ва 1 та нотурар, Хоразм вилоятида эса 1 та нотурар кўчмас мулк объектлари харид қилиниб жами ҳажми 1.77 млрд.сўмлик активлар жамият балансида кўшилди.

4. Кузатув кенгаши томонидан йил мобайнида 4 маротаба акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиб, бунда Жамият фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ва устувор масалалар муҳокама қилинди.

5. 2025 йил учун тижорат банкларида 60 млрд.сўм депозит жойлаштирилиши мақсад қилиб куйилган. Аммо 2025 йил якуни бўйича жами миқдори 35.18 млрд.сўмга тенг бўлган депозит маблағлари жойлаштирилган бўлиб, кўзланган режанинг 58.3% бажарилди.

1.5. Ходимлар билан ишлаш сиёсати

Жамият бўйича 2025 йил якунига кўра ходимлар сони 151 тани ташкил этиб, уларнинг билим даражаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамиятда меҳнат қилаётган ходимлар жамоасининг 71 фоизи Олий маълумотли, 29 фоизи эса ўрта маълумотли ходимлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли Қарорларини ижросини таъминлаш ҳамда талаба ёшлар ўртасида суғурта маданиятини ошириш, фан-таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш ва уларни касбга йўналтириш, аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлар сифатини янада яхшилаш шу билан бирга аҳолини суғуртавий ҳимоялаш доирасини кенгайтириш мақсадида Жамият тизимида, “Малакали ходимлар тайёрлаш тармоқ маркази” ташкил этилди.

Бу эса ўз навбатида, замонавий суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, рақобатни кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, янги суғурта маҳсулотларини жорий этиш ҳамда суғурта бозорига етакчи ва малакали мутахассисларни етиштириб бериш учун шарт - шароитлар яратилганлигидан далолат беради.

2. ЖАМИЯТНИНГ 2026 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИЗНЕС РЕЖАСИ

2.1. 2026 йилда Жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Жамиятни устувор йўналишларида асосий мақсад Жамиятни суғурта бозорида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва суғурта операцияларининг ишончлилиги ва рентабеллиги бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган суғурта портфелини яратишга қаратилган.

Жамиятнинг барқарор ва тизимли ривожланиши учун Жамиятнинг 2026 йилда қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинган.

1-йўналиш. CRM (*Customer Relationship Management*) орқали суғурта хизматлари кўрсатиш қамровини ва сифатини ошириш. Жамиятда ахборот-коммуникация технологиялари ва сунъий интеллект тизимларидан фойдаланган ҳолда CRM тизимида ишлаш самарадорлигини ошириш.

2-йўналиш. Ходимлар малакасини “Рискга йўналтирилган ёндашув (Риск-ориентированный подход)” ва суғурта фаолияти даромадлилигини ошириш бўйича малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш.

3-йўналиш. Жамият моддий техника базаси ва дастурий таъминотларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш.

4-йўналиш. Жамиятнинг барча йўналишларида сунъий интеллект тизимларини жорий этиш ва электрон назорат механизмларини ривожлантириш.

5-йўналиш. Корпоратив бошқарувнинг замонавий тизими (e-vote, Investor Hub каби)ни жорий этиш.

6-йўналиш. Жамиятнинг инвестиция сифатида жойлаштирилган активлари даромадлилигини ошириш.

7-йўналиш. Жамиятда “Такафул” суғурта тизимини жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва бўйича фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари билан тажриба алмашиш.

8-йўналиш. "K-S ASSISTANS" MCHJ ва "K-S-ADJASTER" MCHJ шўба корхоналар фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш.

9-йўналиш. Чакана суғурта хизматлари сотувини ривожлантириш.

10-йўналиш. Ҳудудий бўлинмаларда мустақил бюджет юритиш ва қўшимча даромадни ошириш усуллари борасида таҳлиллар олиб бориш.

Жамият ўзининг 2026 йилга мўлжалланган устувор мақсадларига эришиш учун қуйидаги режаларни амалга оширади.

2.2 Суғурта маҳсулотларини сотиш йўллари ва маркетинг сиёсатини такомиллаштириш режаси

Жамиятда маркетинг мижозларни жалб қилиш, бренд хабардорлигини ошириш ва суғурта маҳсулотларини сотишни оширишда асосий рол ўйнайди. У бозорни ўрганиш, мақсадли аудиторияни таҳлил қилиш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Ушбу режа “Сифат ва маркетинг” департаменти ишини ташкил қилиш ва мақсадларга эришишга ёрдам берадиган асосий жиҳатлар мажмуасидир.

SWOT-таҳлил: Жамиятнинг кучли ва кучсиз тарафлари:

Кучли томонлари (Strengths)	Кучсиз томонлари (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> - корпоратив мижозлар портфелининг барқарорлиги; - CRM тизимининг жорий этилиши ва рақамли жараёнларнинг кенгайиши; - Бош офисда малакали кадрлар захирасининг мавжудлиги; - кенг ҳудудий тармоқнинг мавжудлиги; - хизмат сифати ва мижозлар тажрибасини мониторинг қилиш тизимининг ишлаётганлиги; - рақамли маркетинг бўйича катта имкониятларнинг мавжуд бўлиши; - бренд хабардорлигини ошириш учун дастур ва бюджет ажратилганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - брендинг ва PR бўйича оммавий танилиши ҳали ҳам етарли эмаслиги; - филиалларда кадрлар малакасининг бир хил эмаслиги; - CRMдан фойдаланиш маданияти барча бўлинишларда шаклланмаган; - хизмат кўрсатишда тезкорликнинг барча филиалларда тенг эмаслиги; - демократлашмаган (нон-стандарт) маркетинг каналлари йўқлиги; - таргетлаш ва сегментлаш бўйича илғор моделлар ишлаб чиқилмаганлиги.
Имкониятлар (Opportunities)	Хавф-хатарлар (Threats)
<ul style="list-style-type: none"> -онлайн суғурта бозорининг катта суръатда ўсиши; -жисмоний шахслар сегментида катта бўш бозор майдони; -финтех, банк, автосалон ва маркетинг билан интеграция имкониятлари; -контент маркетинг ва инфлюенсерлар билан ҳамкорликни кучайтириш имконияти; 	<ul style="list-style-type: none"> -Жамият томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг асосий қисми тижорат банклари орқали йиғилаётганлиги ва юқори даражада банкларга боғлиқлиги; -суғурта бозорида демпинг сиёсати суғурта тарифларини камайтириш асосида қўлланилаётганлиги; - Кэптив суғурта Жамиятлари сони ортиши;

<p>-“микро-сўғурта”, “экологик сўғурта” каби янги маҳсулотлар учун талабнинг ўсиши.</p>	<p>- паст капиталлаштириш даражаси; - регулятор томонидан мунтазам равишда янгилақлар ва ўзгартиришлар жорий этилиши.</p>
---	---

Ушбу SWOT таҳлилдан келиб чиқиб, департамент томонидан 2026 йилда куйидаги йўналишлар бўйича ишлар олиб борилади.

1. Мақсад ва вазифалар

→ Бренд хабардорлигини 30% га ошириш: рақамли коммуникация ва PR орқали аудиторияда танилиш даражасини сезиларли ошириш.

→ Янги мижозлар сонини 20% га ошириш: онлайн ва оффлайн каналларни бирлаштирган омниканал тизим орқали.

→ Мавжуд мижозлар чиқиши (churn)ни 12% га камайтириш: CRM орқали кузатув, автоматик эслатмалар, персонал таклифлар.

→ Савдони 15% га ошириш: агентлар, филиаллар ва онлайн платформалар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда.

→ CRMдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш: барча филиал ва Бош офисда ягона стандартни жорий этиш.

→ Сифат назоратини кучайтириш: NPS, CSI ва “sirli mijoz” тизимини жорий қилиш.

→ Медиа ва PR шаффофлигини таъминлаш: матбуот котибаси орқали ахборот алмашинувини кучайтириш.

2. Мақсадли аудитория

Жисмоний шахслар:

ОСАГО, КАСКО, саёҳат, мулк, бахтсиз ҳодиса ва экологик суғурталар бўйича эҳтиёжга эга бўлган мижозлар.

Юридик шахслар:

мулк, жавобгарлик, ходимлар суғуртаси, қурилиш ва логистика субъектлари.

Молиявий институтлар:

банклар, микромолия ташкилотлари, автосалонлар, финтех шериклар.

3. Маркетинг стратегиялари

Онлайн маркетинг:

– SEO оптималлаштириш: 25 та асосий калит сўз бўйича ТОП–3ликка чиқиш, органик трафикни +40% га ошириш.

– Контент маркетинг: ойига 15 та инфографика, видеоролик, блог ва интервью.

– Таргет реклама: Facebook, Instagram, Google Ads орқали 180 000+ лид тўплаш.

- Email-маркетинг: сегментлаш асосида автоматлашган воронка (funnel).
- Инфлюенсер маркетинг: йирик блогерлар билан ҳамкорлик.

Офлайн маркетинг:

- 8 та йирик жойда билбордлар;
- автосалонлар ва банкларда бренд пойнтлар;
- 10 та кўргазма ва форумларда иштирок;
- PR / интервью / брифинглар.

4. Маркетинг харажатлари учун ажратиладиган бюджетнинг тақсимооти

- Онлайн маркетинг учун: 55%
- Офлайн маркетинг учун: 25%
- PR ва контент учун: 15%
- Тадқиқотлар ва аналитика учун: 5%

5. Медиа ва PR (Матбуот котибаси) учун алоҳида вазифалар

Матбуот котибаси 2026-йилда қуйидагиларни амалга оширади:

- ҳар ой 1 та пресс-релиз тайёрлаш ва тарқатиш;
- 25–35 та интервью ва медиа чиқишларни ташкил қилиш;
- медиа билан “тезкор алоқа” канали яратиш;
- салбий хабарлар учун анти-кризис коммуникация режаси;
- ҳар чоракда “Суғурта бозори шарҳи”ни эълон қилиш;
- шаффофлик учун: жамият натижалари, тўланган суғурта товонлари ва фаолият рақамларини очиқ тақдим этиш;
- оммавий тадбирларда бренднинг расмий юзи сифатида қатнашиш;
- блогерлар билан ахборот кампанияларини бошқариш.

6. Иш фаолиятини баҳолаш (KPI)

- Янги мижозлар сони
- Савдо ҳажми
- Бренд хабардорлиги
- Веб-сайт трафиги
- Лид конверсияси
- Ижтимоий тармоқ FAU / DAU
- CRM фаоллиги
- NLP — NPS / CSI кўрсаткичлар
- PR материаллар сони.

2.3 Суғурта хизматларини ривожлантириш режаси

Жамият ҳудудий филиаллари томонидан ўтган йилларда йиғилган суғурта мукофотларининг асосий қисми тижорат банкларига боғлиқ бўлган суғурта турлари асосида йиғилган бўлиб, бу Жамиятнинг тижорат банклари фаолиятига юқори даражада боғлиқлигини билдиради.

2025 йил давомида “намунали филиал” ойлиги доирасида ҳудудий филиалларда суғурта хизматларини ривожлантириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Натижада, ходимларнинг малакаси ва бошқа суғурта турлари бўйича тушумлар ўсишига эришилди.

2026 йилда 2025 йилда бошланган ижобий ишларни янада жонлантириш, суғуртанинг тижорат банкларига боғлиқ бўлмаган турларини янада ривожлантириш, халқаро тажрибани ўрганиш ва суғурта хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда кросс сотувларни (суғурта қилдирувчига асосий суғурта хизматига қўшимча хизматлар) таклиф этиш, ҳар бир суғурта турлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- Жамиятда онлайн суғурта хизматларини ривожлантириш, бунда банк кредитларини онлайн суғурталаш, бошқа суғурта турларини веб-сайт ва бошқа маркетинг орақали сотишни ривожлантириш;

- ТВЭФЖСК тури бўйича хизматларни зарарлилик кам бўлган ҳудудларда офислар орақали ва арзон сотув каналлари орақали хизматларни кенгайтириш;

- Чет элга чиқувчиларни суғурталашни кенг йўлга қўйиш;

- Яратилган потенциал мижозлар базасига асосланган ҳолда “кун тартиби” тизимида ушбу мижозлар билан ишлашни ривожлантириш;

- ҳудудий филиалларда мавжуд суғурта маҳсулотлари ва уларни сотиш бўйича ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш юзасидан ўқитиш ишларини давом эттириш;

- “Намунали филиал” ойлиги доирасида ҳудудий филиаллар билан биргаликда суғурта хизматларини кенг жорий этиш чораларини кўриш;

- Мавжуд суғурта турларини таҳлил этиш, суғурта маҳсулотларининг оммабоплигини таъминлаш, ишламаётган суғурта турларини ривожлантириш, суғурта хизматлари кўламини ошириш;

- Суғурта хизматларини кўрсатиш даражаси паст бўлган ҳудудий филиалларда ишларни яхшилаш юзасидан онлайн тушунтиришлар ўтказиш, зарур ҳолларда хизмат сафарларига чиқиш;

- Ҳудудларда суғурта ва унинг моҳияти тўғрисида кенг тушунчалар бериш, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғини ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда семинарлар ўтказиш;

- ОАВларида суғурта ва унинг моҳияти тўғрисида кенг тушунчалар бериш орақали аҳолининг кенг қатламига суғурта хизматларини тадбиқ этиш;

- Аҳоли мол-мулкларини суғурталашни кенг йўлга қўйиш;

- КАСКО суғурта турлари бўйича аҳолида тушунчани шакллантириш борасида ишларни ташкил этиш, ушбу суғурта хизматини кенг жорий этиш;

- Тижорат банклар билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича аниқ чоралар кўриш;

- Компания веб-сайтида ихтиёрий ва мажбурий суғурта хизматлари бўйича онлайн хизмат кўрсатишни доимий ривожлантириб бориш;

- Халқаро сертификатларига эга бўлган яшил бинолар суғуртаси, электромобилларни суғурталаш бўйича янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг 2025 йил 28 январдаги 1/П-сон буйруғи билан тасдиқланган “KAFIL-SUG`URTA” акциядорлик жамиятида суғурта шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларини ҳудудий филиаллар томонидан сифатли бажарилишини назорат қилиб бориш.

2.4 Суғурта даъволарини кўриб чиқиш йўналишини ривожлантириш режаси

Жамиятда 2026 йилда суғурта даъволарини кўриб чиқиш жараёнини оптималлаштириш асосан рақамли трансформация, автоматизация, сунъий интеллект, стандартлаштирилган бизнес жараёнлари ва регуляторнинг самарали талқини орқали амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бу йўналишлар мижозлар учун тезкор хизмат кўрсатишни таъминлаган ҳолда, компаниянинг умумий суғурта соҳасидаги компаниялар орасида рақобатбардошлигини оширади.

Ушбу йўналишлар қуйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Даъво ишларини кўриб чиқиш жараёнини қуйидаги тартибга солиш ошириш:

- Аризани қабул қилиш – мижоздан келиб тушган даъво аризасини қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- Хужжатлар рўйхатини тайёрлаш ва юбориш – текширув учун зарур хужжатларни йиғиш;
- Дастлабки ўрганиш – ариза ва хужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолаш;
- Экспертиза буюртмаси – суғурта ҳодисаси бўйича техник ва молиявий экспертиза тайёрлаш;
- Юридик экспертиза – даъво қонуний жиҳатдан таҳлил қилиниши;
- Қарор қабул қилиш – тўлов амалга ошириш ёки рад этиш тўғрисида қарор лойиҳасини тайёрлаш;
- Мижозга хабар бериш – қарор ҳақида расмий ва тезкор хабар бериш (телефон, SMS, email);
- Тўловни амалга ошириш – тасдиқланган суммани мижозга ўтказиш;
- Архивлаш – барча хужжатларни ва қарорни архивлаш ва ҳисобот юритиш.

2. Суғурта даъволари кўриб чиқиш жараёнини автоматлаштириш:

Келиб тушган аризаларни онлайн кузатиш имкониятини яратиш, тўланган суғурта қопламалар ва регресс тарзида ундирилган маблағларни i-Polis ва 1С

ўрасида интеграция қилиш орқали ҳисобини юритиш тизимини яратиш бўйича 2026 йилда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- аҳолининг суғуртавий саводхонлигини ошириш мақсадида тўланаётган суғурта қопламалари тўғрисида компания веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ОАВ лари орқали маълумотлар бериб бориш;
- i-Polis дастурининг Суғурта даъволари учун мўлжалланган бандини 2026 йилда тўлақонли юритиш. Юзага келган муаммолар ва ушбу муаммоли ҳолатларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар бериш;
- шу жумладан давлат нотариал идоралари орқали Жамият томонидан тўлаб берилган қарздорларга қарор чиқариш чораларини ўрганиб чиқиш.

2.5 Жамиятда суғурта фаолиятини автоматлаштириш ва Ахборот технологияларини кенг жорий этиш режаси

Жамиятда ахборот технологияларини қўллаш ва суғурта фаолиятини автоматлаштириш долзарб йўналиш ҳисобланади.

2026 йилда Жамиятда ахборот технологиялари йўналишини ривожлантириш борасида қуйидагилар амалга оширилади.

i-Polis маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича:

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурининг шартномалар қисмларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, электрон шартномаларни такомиллаштириш;

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурининг суғурта даъволари бўлимига, суғурта даъволари портфелига ва суғурта даъволари ҳисоботлар бўлимларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурининг регресс бўлимига, регресс портфелига ва регресс ҳисоботлар бўлимларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

- Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ходимлар билан яқиндан ишлаш;

- ахборот хавфсизлигини таъминловчи дастурларни янгилаб бориш ишлари;

Жамият ахборот технологиялари моддий техник базаси бўйича:

- Жамият ахборот ресурсларига талаблар ошганлиги ва суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурини тўлиқ назорат қилиш мақсадида, янги замонавий сервер ва сервер қурилмасига тегишли қўшимча воситаларни харид қилиш;

- Жамият ишчи станциялари – компьютерларни модернизация қилиш ишлари;

- Жамият ишчи станцияларида – компьютерларда операцион тизимни, офис дастурларини ва қўшимча дастурларни янгилаб бориш ишлари;

- Жамият янги филиаллари учун янги моноблок компьютер ва кўп функцияли қурилмаларни харид қилиш ишлари;

Жамият интернет тармоғи бўйича:

- Жамиятнинг асосий интернет тармоғи ишчи фаолиятини доимий таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

- Жамиятнинг асосий интернет тармоғига янги резерв интернет тармоғини олиш;

- Жамият корпоратив электрон почтаси учун алоҳида талабларга жавоб берадиган интернет тармоғини ишга тушириш;

Жамиятда электр энергияси ўчганда ҳолатида:

- Жамият асосий электр энергияси таъминотидан узулган ҳолатида, ахборот технология қурилмаларининг тўлиқ ишчи ҳолатини сақлаш мақсадида, барча ишчи станцияларга – компьютерларга замонавий Узлуксиз қувват манбаи қурилмаларини харид қилиш.

2026 йилда “Ахборот технологиялари” департаменти томонидан режалаштирилган ишлар:

- янги суғурта фаолиятини автоматлаштириш дастурий таъминотини тўлиқ ишга тушуриш;

- интеграцияларни амалга ошириш, барча ходимларни ўқитиш, хато ва камчиликларни бартараф этиш;

- янги NAPP API билан интеграцияни амалга ошириш, агентлар учун платформани ишлаб чиқиш;

- веб-сайтда суғурта маҳсулотларини расмийлаштириб сотишнинг янги веб-саҳифаларини ишлаб чиқиш;

- 1С:Предприятие дастурий таъминоти ва янги суғурта фаолиятини автоматлаштириш дастурий таъминотини тўлиқ тўлиқ интеграция қилиш;

- ip-телефония хизматини жорий қилиш, электр энергияси резервини таъминлаш — бензинли генератор тизимини ишлатиш ва бошқа ишлар.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Жамият томонидан қуйидаги хизматлар бўйича 2026 йилда 1,3 млрд сўмдан ортиқ харажат қилиниши лозим.

Т/р	Хизмат номланиши	Тахминий харажат (сўм)
1	Янги дастурий таъминотни сотиб олиш	250 000 000,00
2	Янги дастурий таъминот учун 1 йиллик абонент тўлови	300 000 000,00
3	ip-телефония хизмати учун 1 йиллик абонент тўлови	25 200 000,00
4	Интернет хизмати учун 1 йиллик абонент тўлови	168 000 000,00
5	АТС-телефония хизмати учун 1 йиллик абонент тўлови	7 200 000,00
6	CRM-BITRIX ташқи модуллари учун 1 йиллик абонент тўлови	15 000 000,00

7	Компания Бош офиси ва худудий филиаллари учун компьютер курилмаларини сотиб олиш (1 йиллик)	118 800 000,00
8	Компания Бош офиси ва худудий филиаллари учун компьютер курилмаларини апгрейд қилиш учун ички курилмаларни сотиб олиш (1 йиллик)	46 000 000,00
9	Компания Бош офиси ва худудий филиаллари учун чоп этиш курилмаларини сотиб олиш (1 йиллик)	96 000 000,00
10	Компания Бош офиси ва худудий филиаллари учун чоп этиш курилмаларини созлаш, картрижларни тонер билан тўлдириш хизматлари (1 йиллик)	180 000 000,00
11	Резервлаш файлларини локал ҳолатда сақлаш мақсадида, HDD курилмаларини сотиб олиш	40 000 000,00
12	Жорий сервер курилмасини апгрейд қилиш учун ички сервер курилмаларини сотиб олиш	120 000 000,00
13	1С:Предприятие дастурий таъминотининг DIBANK модули учун 1 йиллик абонент тўлови	12 000 000,00
	Жами	1 378 200 000,00

2.6 “Малака ошириш” маркази томонидан 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор йўналишлар.

Жамиятнинг “Малака ошириш” маркази томонидан 2026 йилда ходимларнинг меҳнат унумдорлигини янада ошириш, уларни мунтазам равишда ўз устида ишлашлари ҳамда самарали меҳнат фаолиятини олиб боришлари юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди шу билан бирга марказ фаолиятида туб ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан:

- Жамият тизимида “Намунали филиал ойлиги” эълон қилинди ва барча худудий филиаллардаги ходимлар билим савиясини ошириш, миқдорларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди;

- Бош офиснинг таркибий ўлинмалари учун 4 босқичли малака талаблари ишлаб чиқилди ва Бошқарув раиси томонидан яқка тартибда малака талаблари ижроси борасида суҳбатлар ўтказилди;

- Ходимлар учун махсус курслар ташкил этилиб барча ходимларни соҳа юзасидан янгиликлардан доимий хабардор бўлиш ва ўз устида ишлаши учун хизмат шарт - шароитлар яратилди;

- Ишга янги қабул қилинган ходимлар учун уларни соҳани ўргани ва ишга мослашиши кўмаклашиш борасида онлайн ва офлайн кўринишда ташкил этилаётган ўқув семинарларда тажрибали ва соҳада фаолият юрутувчи ходимлар летор сифатида жалб этилди;

- Жамиятда кадрлар захирасини шакиллантириш ва суғурта агентлари билан ишлашни самарали ташкил этиш мақсадида тизим яратилди. Мазкур тизим сифатли

юриши учун 10 га яқин республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди;

Шундан келиб 2026 йилда марказ томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

1. Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий филиаллари ходимларини соҳа юзасидан сўнги янгиликлардан хабардор қилиш ҳамда иш самарадорлигини янада оширишга таъсир этувчи мавзулар юзасидан соҳада мувофақиятга эришган, ҳозирги кунда мижозлар билан ишлаш бўйича ўз услубига эга мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этиш ҳамда барча ходимлар иштирокини таъминлаш.

2. Ходимларни ўз устида ишлашлари ва замонавий билмларга эга бўлиши шу билан бирга республикамиз ва хорижий суғурта компаниялар иш тажрибаси билан танишиш ва ўз иш услубларида янги инновацион ғояларни кенг қўллаш мақсадида йилда икки мартаба республикамиз ва хорижий компанияларда стажировка ва малака оширишларини ташкил этиш.

2.7 Жамиятда кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш режаси

. Жамиятнинг ташқи HR брендини янада яхшилаш (*маркетингни янада кучайтириш, иш бозорида талабгорлар эътиборини, қизиқишини ошириш, учрашув тадбирларини ташкил этиш, ОТМлар билан ҳамкорликларни давом этириш, карьер кунларида фаол иштирок этиб бориш, Компанияни тақдимот этиб бориш*)

2. “Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида”ги Тартибга асосан заҳира кадрларни шакллантириб бориш. Бунда асосан қуйидаги 2 йўлдан фойдаланиш:

- “Малака ошириш” маркази орқали ўтказилаётган маҳорат дарсларида фаол иштирок этиб келаётган билмли, шижоатли ва қобилиятли ёш кадрларни заҳира базасини яратиб бориш ҳамда уларни кузатиш бориш тизимини яратиш.

- тегишли ижтимоий тармоқлар, каналлар орқали келгусида кадрга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин бўлган иш ўринларига танлов бўйича эълонлар бериб бориш.

3. Келгусида зарур бўлиши мумкин бўлган номзодлар захирасини, жумладан суғурта агентлари, матбуот котиби, суғурта маҳсулотларини сотиш, қайта суғурталаш, ахборот технологиялари (АТ) йўналиши бўйича мутахассис ва бошқа эҳтиёжлардан келиб чиқиб номзодларни шакллантириб бориш.

4. Ходимларнинг меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш чораларини кўриб бориш, унумдорлиги паст бўлган ходимлар билан ишлаш ҳамда самарасиз иш ўринларини қисқартириш.

5. Ходимларни иш унумдорлигини ошириши мақсадида махсус ўқув курсларини ташкил этиб бориш, бунда эътиборни асосан миждога тезкор ва сифатли суғурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ сифатли курсларни ташкил этиш.

6. Ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни умидли кадрлар билан банд этиш чораларини кўриб бориш. Хусусан, график асосида таркибий бўлинма ва ҳудудий бўлинма раҳбарларининг раҳбарият олдида минбарда слайдлар орқали ҳисобот бериши (*ҳисоботида амалга оширган ишлари, мавжуд камчиликлари ва келгусида иш фаолиятини ривожли юзасидан режалаштирган ислоҳатлари кўрсатилади*) тизими йўлга қўйилади. 2023 йилнинг январ ойида Бош офиснинг таркибий бўлинма раҳбарларини иш юзасидан тақдимотлари кўрилади.

7. “Бош офис ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Тартибга асосан Бош офис ходимларини белгиланган байрамларда мукофотлаш ва ижтимоий тўпламлар орқали уларни рағбатлантириб бориш.

8. “Бош офиснинг энг яхши таркибий бўлинмасини аниқлаш ва мукофотлаш тўғрисида”ги Тартиб ва “Ҳудудий филиаллар фаолиятини баҳолаш, рейтингини юритиш, ходимлар ўртасида кўрик танлов ташкил этиш ва унинг ғолибларини тақдирлаш тўғрисида”ги Низомларга асосан ҳар ярим йиллик якуни бўйича муносиб ходимларни мукофотлаш ва аксинча қолоқ таркибий бўлинмаларга нисбатан тегишли таъсир чораларини кўришни ташкиллаштириш.

9. Замонавий бошқарувда кадрлар билан ишлаш сиёсати (кўлланма)ни, яъни HRM тизими бўйича махсус курсда малака ошириш ва Жамиятга жорий қилиш.

Ҳалқаро расмий ижтимоий тармоқлар ёки тегишли ўқув курслари орқали HRM тизимини ўзлаштириш.

10. Бош офис ходимларини ички қоидаларга риоя этишини, ишга ўз вақтида келиб-кетишни ҳисобини юритишни автоматлаштириш

11. Ҳудудий филиалларда суғурта махсулотларини сотишни янада ривожлантириш, ходимларни касбий маҳоратларини ривожлантириш ҳамда уларда сотувчилик қобилатларини юзага чиқариш борасида махсус мутахассислар ёрдамида семинар тренинглари ташкил этиш

12. Ходимларнинг ишчанлигини ошириш, уларга мотивация бериш ва тўғри йўл кўрсатиш мақсадида **машҳур инсонларнинг энг сара фикрлари қайд этилган пештоқларни** бош офис биносининг йўлак (каридор) деворларига ўрнатиш. Шунингдек, энг сараларидан камида 2 тасини ҳудудий бўлинмаларнинг офис биносига ўрнатиш.

13. Ўз навбатида, ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган ходимларни спорт тўғаракларига боришлари учун имконият яратиб бериш.

14. Жамиятнинг ҳудудий филиаллар ходимларини янада яхшироқ ўрганиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва мавжуд муаммолар билан танишиш мақсадида барча ҳудудий филиалларга хизмат сафарига бориш.

15. Жамиятнинг ҳар бир йўналишга масъул бўлган бўлинма ва етакчи умидли филиал раҳбарларининг малака оширишлари, тажриба алмашишлари, замонавий руҳиятга эга бўлишлари ва орттирган малакасини Жамият равнақига хиссасини қўшишлари учун суғурта соҳаси ривожланган чет эл давлатларига юборилишини ташкиллаштириш.

16. Департаментда ҳужжат юритувни автоматлаштириш, электрон иш жилдаларини яратиш.

17. Ходимлар ўртасида аҳилликни ва бирдамликни сақлаш мақсадида йилда 2 маротаба жамоавий саёҳатни ҳамда Янги йил ва 8 март байрам тадбирларини кенг нишонлашни ташкил этиш.

18. Жамоада адолатлилик, иноқлик, жипслик, мўътадил ва соғлом мухитларни шакллантириш, маънавиятни янада ошириш мақсадида Бош офис ва Тошкент шаҳар филиаллари ходимлари учун:

- йилда 2 маротаба маънавият ва маърифат учрашувларини соҳага тегишли шахс иштирокида ташкил этиш.

- ҳар 2 ойнинг якуни билан кейинги ойнинг биринчи ҳафталигида Театрга боришни ташкил этиш.

2.8. Жамият инвестицион сиёсатини такомиллаштириш режаси

2026 йилда Жамият инвестицион сиёсатини такомиллаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Жамият Устав фонди миқдорини ошириш йўналишида:

- 2026 йил 1-ярим йилликда 5,0 млрд. сўмга ошириш.
- 2026 йил 2-ярим йилликда 5,0 млрд. сўмга ошириш.
- 2026 йил якунига қадар 100,7 млрд. сўмга ошириш.

2. 5 та юридик шахсларнинг уставдаги улушларни қайтариб депозитга йўналтириш йўналишида:

- 2026 йил якунига қадар 6,47 млрд. сўм миқдоридаги улушларни қайтариш ва депозитга жойлаштириш.

3. Тижорат банкларидаги депозит миқдорини ошириш йўналишида:

- Тижорат банкларига 2026 йил якунига қадар қўшимча 100,0 млрд. сўм миқдорида қўшимча депозит жойлаштириш орқали умумий миқдорини 210,0 млрд. сўмдан ошириш;

4. Корхона балансидаги фойда келтирмаётган кўчмас мулкларни реализация қилиш йўналишида:

- Фойда келтирмаётган кўчмас мулкларни сотиш орқали тушган маблағларни депозитларга жойлаштириш.
- Жамият ўз инвестицион фаолиятини ривожлантириб бориши натижасида унинг миқдори 2 баробарга оширилишига эришилади.